

монълик қилинмайди. Қорақалпоқ вариантларида қўнғирот қўнғирот билан, ирғақли ирғақли билан қуданда бўлишига сабаб мана шу қараш самараси бўлса керак.

Эътироф этиш керакки, қипчоқ туркийлари орасида

кенг тарқалган яқин қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймаслик анъанаси кишилик жамияти таракқиётининг доимий долзарб бўлган масаласидирки, шунинг учун ҳам ушбу ақида тобора кўпроқ мамлакатлар оила кодекси таркибига амал қилиниши шарт бўлган модда сифатида татбиқ қилинмоқда.

Адабиётлар

1. «Алпомиш». -Т.: “Фан”, 1999.
2. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 4-жилд, «Алпомиш», -Т.: Ғ.Ғулом. 2015.
3. Зариф Ҳ. «Алпомиш эпосининг асосий мотивлари»//«Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т.: “Фан”, 1999.
4. Бердақ. «Шежире». –Нөкис: «Қарақалпақтан», 1993.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва қорақалпоқ халқлари оғзаки ижодининг ёрқин намуналари саналган “Алпомиш” достони вариантларида бош қаҳрамон мансуб бўлган “қўнғирот” этноними таҳлили келтирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется этноним «Кунград» использованный в отношении главного героя в различных вариантах эпоса «Алпамыш», который является одним из лучших образцов в устном народном творчестве узбекского и каракалпакского народов.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the ethnonym “Kungrad” related to the main character, in different variants of the epos “Alpamish” that is considered to be one of the best works of Uzbek and Karakalpak folklore.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

В.А.Ахмедова - тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: драма, трагедия, шеърый драма, эртақ-песа, трагизм, конфликт, кульминация, монолог, диалог, рамз.

Ключевые слова: драма, трагедия, лирическая драма, сказка-песа, трагизм, конфликт, кульминация, монолог, диалог, символ.

Key words: drama, tragedy, lyrical drama, fairy tale-play, conflict, tragizm, culmination, monologue, dialogue, symbol.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ислохотлар амалга оширилишига кенг йўл очибгина қолмай, халқнинг моддий-маънавий турмушини, азалий қадриятларни қайта ўзлаштиришга бўлган илмий-маърифий муносабатини ҳам тубдан янгиледи. Инсонга эътибор, маънавий меросларга эҳтиромли муносабат ва уларни ижодий ўзлаштириш, миллий ўзлиқни англашнинг энг муҳим омили эканлиги теран англаб етилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги **ПФ-4956-сон** “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида ҳам аҳолининг кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шахс маънавий-ахлоқий камолоти ҳақидаги давлат сиёсатини акс эттирувчи ушбу фармонда: “*Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик таракқиётини акс эттирувчи асарлар яратиш*” [1:1] га даъват этилди.

Бундай тарихий-ҳуқуқий асослар истиқлол даври ўзбек миллий драматургиясида тарихий қаҳрамонлик, тарихий-фалсафий, маърифий-тарихий йўналишда ҳамда замонавий мавзуларда кўплаб миллий асарлар пайдо бўлишига имкон яратди. Халқимиз ўтмишининг энг нузли саҳифаларини белгиланган улуг аллома ва мутафаккирлар, адибу шоир, саркарда ва давлат арбоблари ҳақида ўнлаб тарихий пьесалар ёзилди. Шунга қарамайдан, драматургияда Амир Темур образи яратилиши ҳақида сўз кетганида инглиз драматурги Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” драмаси (1587-1588) ҳамон бот-бот тилга олинади. Зотан, бу асар яратилган йилларидаёқ Лондон театрларида саҳналаштирилган ва 1961 йилда рус тилига, 1989 йилда эса, мутаржим Маъруф Жалил томонидан ўзбек тилига ўғирилган эди. Немис адабиётида И.В.Гёте, инглиз адабиётида Ж.Байрон, рус адабиётида А.И.Бунин, озарбайжон адабиётида драматург Ҳ.Жовид ва бошқалар айнан Кристофер Марло асаридан

таъсириланишган. Адабиётшунослигимизда бу ҳақда илк илмий кузатувлар ҳам амалга оширилди [10:87]. Шунингдек, Ҳ.Кароматовнинг номзодлик иши ҳам ““Соҳибқирон Темур” фожиаси манбаалари аслияти ва ўзбекча ўғирмаси” мавзусида эди.

Кейинги йиллар ўзбек адабиётида Соҳибқирон Амир Темур образини яратишга бўлган интилишларни XX асрнинг 80-йилларида адабий ҳаётимизга кириб келган Кристофер Марлонинг “*Буюк Темур*” драмаси билан боғлашга интилиш – буюк бобомиз шахсиятини улугловчи катта-кичик асарларнинг барчасини К.Марло драмаси таъсирига боғлашга уринишлар кузатилмоқда. Албатта, жаҳон адабиётида юзага келган бу фожианинг адабиётимизга, бадий-эстетик тафаккуримизга муайян даражада таъсири бўлганлиги шубҳасиз. Бироқ мазкур мавзуда юзага келган асарлар *биринчи навбатда* истиқлол даври берган улкан имконлар, *иккинчидан*, ҳар бир ижодкорнинг ички интилиш ва ҳаётий кузатишлари, *учинчидан*, адабий-маънавий эҳтиёж туфайли юзага келди. Қолаверса, ўзбек адабиёти, хусусан драматургиясидаги тарихий мавзудаги турфа асарлар тажрибасидан тўпланган ютуқлар уларнинг юзага келишида кучли асос вазифасини ўтади.

Аслида, жадид драматурги А.Фитратнинг “*Темур сағанаси*” трагедияси ана шу йўсиндаги эзгу ишларнинг илк дебочаси бўлган эди. Шубҳасиз, бу фожианинг айрим парчалари проф. Б.Ҳайитнинг айрим асарлари орқалигина бизгача етиб келган [14:92]. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур узундининг чорлов ва мурожаат оҳангидаёқ ғоятда кучли трагик пафос акс этган. Зотан, Амир Темур миллатга мурожаат қилар экан, уни мамлакат ва халқнинг олдинги шаён-шавкати, ор-номуси, эрк ва озодлиги учун курашга даъват этади. Фитратнинг “*Юрт қайғуси*” сочмаларида ҳам буюк соҳибқирон Амир Темурга мурожаат этилади, унинг порлоқ руҳи билан ҳасратлашилади:

“Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир?! Нечук кунларга қолдинг? Эй чингизларнинг, темурларнинг, ўғулларнинг оилаларининг шонли болалари! Қани учқларинг, юксак ўринларинг! Қуллик чуқурларига недан тушдинг! [9:86].

Афсуски, А.Фитрат “реакцион-романтик драматург” (Ҳ.Олимжон, 1936), “ўтмиш

хукмдорларига сизиниб, уларни кўкка кўтарган ва социал янгиликларни тан олмасликка ҳаракат қилган” тарзида ғайриилмий баҳоланди [6:48]. Шукрим, мустикаллик йилларига келиб Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев ва бошқа фитратшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида муаммонинг асл моҳияти холис кўрсатилди [3:78; 13:84].

Ўз юрти ва халқи тақдири ҳақида куйиниб ўйлаган, фикр-қарашларини жасорат билан поэтик ифода эта олган Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек Ҳожи тилидан Отабекка, демакки келажак наслларга қарата шундай дейди:

“Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч нарса қаноат ҳосил қила олмадим. Иттифоқни, не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шухратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга кўзим етмай қолди.”[11:86]. Ҳақиқатга тик боқа олган икки буюк адабий шахсиятнинг юрт келажаги ҳақидаги қайғулари руҳан ҳамоҳанг экани хайратланарлидир. Муҳими, жадид зиёлилари мавжуд вазиятни ва ўз-ўзини, юртдошларини аёвсиз тафтиш этишди. Масалан Абдулла Қодирийда: *“... биз кўр ва ақсиз оталар”, “биз итлар”, “золимлар – кўртлар ва қушлар”* сингари шафқатсиз айбномалар учрайди. Чунки улар ўлка бўлганиши, халқ истибдод исканжасида қолишининг олдини олишда миллатнинг ақл кўзи тийран бўлиши лозим эканини англатишга интилишган.

Истиклол йилларида Амир Темур ва темурийзодалар ҳақида йигирмадан ортик сахна асарлари юзага келди. Жумладан: *“Соҳибқирон”* шеърӣ драмаси (А.Орипов), *“Авлодларга васиятим”* (О.Ёкубов), *“Соҳибқирон”* (“Амир Темур қиссаси” – Маъруф Жалил), *“Амир Темур ва Йилдирим Боязид”* (Қ.Абдунабиев) *“Соҳибқирон Темур”* (А.Самад), *“Амир Темур”* (Т.Мирзо), *“Жаҳонгир”* (Ш.Пардаев), *“Соҳибқирон Темур”* (С.Сирождидинов), *“Амир Темурнинг туғилиши”* (эртақ-пьеса – Ҳ.Муҳаммад) сингари сахна асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг *“Соҳибқирон”* шеърӣ драмаси ана шундай мўтабар мавзуга мурожаат қилинган характерли асарлардан биридир. Ўзининг юксак қаҳрамонлик ва тантанавор руҳи билан ажралиб тургани учун ҳам бу асар режиссёр Олимжон Салимов томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилди. Асарда Амир Темур сиймоси халқ ва мамлакат бирлиги учун курашган адолатли ва бунёдкор инсон сифатида поэтик талқин қилинган. Муаллиф миллий қаҳрамоннинг давлат арбоби ва ватанпарвар шахс эканига урғу берган. Шеърӣ драмада Соҳибқироннинг Йилдирим Боязид билан бўлган муҳорабасидан бошқа жангу жадаллар акс этмайди. Драма охирига келибгина Хитойга юриш тарадудлари ҳақида сўз боради. Чунки А.Ориповни воқеаларнинг ташки белгилари эмас, балки қаҳрамон ботини – орзу-ўй, фикр-мулоҳаза ва кечинмалари кўпроқ қизиқтиради. Бошқачароқ айтганда, асарда ижтимоий зарурият маҳсули сифатида тарих сахнасига чиққан бунёдкор инсон фикр-туйғулар силсиласи таҳлилга тортилади. Унинг меҳр-марҳамати ва қаҳри, ўз-ўзини тафтиш этиш, умр йўлларини сарҳисоб қилиш жараёнлари қаламга олинади. Амир Темур ва султон Боязид, Амир Темур ва Амир Ҳусайн, Соҳибқирон ва Хизр алайҳиссалом, Амир Темур ҳамда Яссавий муносабатлари орқали саркарда қисмати тарихан ҳаққоний ёритилади.

О.Ёкубовнинг *“Авлодларга васиятим”* драмаси мукаддима, икки парда ва тўрт кўринишдан иборат

бўлиб, унда Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги кунлари тасвирланган. Амир Темурнинг дорулфаноудан дорулбакога кетиш арафасидаги фикр-ҳисларига диққат қаратилган. Муаллиф драмада халқ оғзаки ижоди руҳини марказий ўринга кўтаради. Драматург Амир Темур шахсиятининг маънавий-ахлоқий кирраларини ёритишда Сулувкўз, Саройбон ва Соҳибқирон ўртасидаги мулоқотларга кенг ўрин ажратади. Драматург моҳирлик билан тарихий сиймонинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатини барпо этиши, феодал тарқоклик ҳамда ички низоларга барҳам бериши, давлат бошқаруви тизимини ишлаб чиқишда адолат тамойилларига таяниши, ўғил-набираларига панд-насихатларини қаҳрамон характерини очиб берадиган воситага айлантиради. Асар сюжети муаллифнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, Темурийлар даври тарихи ва маданияти билан яхши таниш бўлганлигини кўрсатади. Аммо, асар сюжетида Бибиҳоним тўғрисидаги тарихий ривоятнинг қўйилиши асосий ғоянинг иккинчи ўринга тушиб қолишига ҳам олиб келади. Бироқ, шунга қарамадан, муаллиф тарихий воқелик ва афсонавий талқинни ўзаро уйғун ҳодисага айлантиришга интилади. Бу ҳол, драмада Амир Темур қиёфасининг яхлитликда намоён бўлишини таъминлайди. Драматург ўз орзу-истакларини Соҳибқирон тимсолига сингдириб юборади. Амир Темурнинг халқ манфаатлари, тинчлик ва адолат учун зафарли жанглари умуминсоний моҳиятга йўналтирилган. Шу боисдан фактик аниқликнинг қай даражада берилиши асарнинг эстетик қимматига салбий таъсир ўтказмайди. Сарой фитначилари ва Биби Сардор бошчилигидаги ғийбатчилар айби билан ўз жонига қасд қилган Сулувкўз бека фожиали тақдири акс эттирилган. Ақчагул – Босқонбек (*хос қўриқчи*), Саригул – Қоплонбек (*эшик оғаси*) покиза муҳаббатлари тарихи воситасида *биринчидан*, Амир Темур жангнинг энг хатарли нуқталарига дадил кириб боровчи жасур инсон сифатида тасвирланади. *Иккинчидан*, сарой мураккаб ва чигал ҳаётининг инсон тақдирига таъсири масаласига урғу берилади.

Драмада давлат томирига болта урувчи учта хатар: *ўзаро ноаҳиллик, жаҳолат ва тарафқашлик* иллатларидан эҳтиёт бўлиш васият қилинади [5:250]. Бинобарин, О.Ёкубов Соҳибқирон характерини, ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида ҳам салтанат ва эл тақдири, унинг истикболи ҳақида қайғурувчи фидойи инсон сифатида очади. Шу маънода айтиш мумкинки, бу асар Амир Темур умр поёнида англаб етган ҳақиқатлар ҳақидаги ўзига хос икромномадир.

Т.Мирзонинг *“Амир Темур”* драмаси (1996) Қашқадарё театрида сахналаштирилган ва томошабинлар томонидан илиқ қаршиланган. Бу асарда ҳам Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги кунлари қаламга олинади. Драматург Амир Темур ва Бибиҳоним тушлари тасвирида рамз ва мажозлардан унумли фойдаланиб, бош қаҳрамоннинг адолат йўлидаги кураши билан боғлиқ эътиқодини поэтик инкишоф этади. Асардаги Соҳибқирон ва Зиндоний суҳбати асносида башариятга хос бўлган фазилат ва иллатлар кўрсатилади. Боязид ва Амир Темур мувоҳасасида ҳам Соҳибқироннинг улуғ тафаккури ва маънавий қудрати намоён бўлади. Ироқ ҳукмдорининг онаси билан бўлган тўқнашув воситасида қаҳрамон шахсига хос кечиримлилик, бунёдкорлик хислатлари очилади. Умуман, драма Амир Темур вафоти билан тугаса ҳам, унда бош қаҳрамон кадрдон юрт ва эл тақдири ҳақида қайғурувчи бунёдкор, гоҳида қаттиққўл, гоҳида кечиримли инсон, меҳрибон ота сингари қўллаб-қувватлаш билан турфа ракурсларда очиб беришга ҳаракат қилинган.

Мустақиллик тарихий драма жанрини янги босқичга кўтарган бўлса ҳам, назаримизда, биз ҳозирча Амир Темур сиймосининг маънавий-маърифий қиррасини ифода этиш билан чекланиб келаётгандаймиз. Чунки мавзунини тавсифий-биографик, ижтимоий-сиёсий ва публицистик пафосдан фалсафий-психология йўсинига теран миқёс ҳамда турфа ракурслар сари юксалтирадиган талқинларга имкон берувчи бақувват сахна асарларимиз нисбатан камдир. Айни пайтда, умумдабиётимиз ва театр санъатимиз мавзу ҳамда жанр хилма-хиллиги билангина қаноат ҳосил қилиши мумкин эмас.

Адабиётлар

1. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2017 йил 17 февраль.
2. Аникст А. История учений о драме. - М.: “Наука”, 1988.
3. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиёти ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фан докт... дисс. - Т.: 1996.
4. Волькенштейн В.М. Драматургия. - М.: Сов. писатель. 1960.
5. Ёқубов О. Қайдасан, Мориқо? -Т.: “Шарк” НМАК. 1992.
6. Имомов Б. Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари (характер ва конфликт). Филол. фан докт... дисс. - Т.: 1968.
7. Лессинг Г.Э. Гамбургская драматургия. -М.: “Художественная литература”. 1953.
8. Монтескье Ш. Избранные произведения. - М.: “Литература” 1955.
9. Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: “Маънавият”. 2000.
10. Шоимов А. Ҳусайн Жовид ва ўзбек драматургияси. Филол. фан номзоди дисс... -Т.: 2008.
11. Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.
12. Quronov D. “Adabiyot nazariyasi asoslari”. -Т.: Akademnashr, 2018.
13. Ғаниев И.М. Фитрат драмалари поэтикаси. Филол. фан докт... дисс. – Т.: 1998.
14. Ҳайит Б. Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари. -Қобул: 1983.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақиллик даври ўзбек драматургиясида тарихий мавзуга эътибор ортишининг тарихий-ҳуқуқий, аксиологик, адабий-маърифий асослари белгиланган. Амир Темур образи яратилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены исторически-правовые, аксиологические, литературно-просветительские основы узбекской драматургии периода независимости. Исследованы достижения и недостатки в произведениях с образом Амира Темура.

SUMMARY

The article describes the historical-legal, axiological, literary and educational background of Uzbek dramaturgy of the independence period time. The achievements and shortcomings in the works with the image of Amir Temur have been researched.

НАҚЛ ВА МАСАЛ МУНОСАБАТИ

С.Б.Бекчанова - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўзбек ва қорақалпоқ фольклори, нақл жанри, атама, масал.

Ключевые слова: узбекский и каракалпакский фольклор, жанр “притча”(накл), термин, басня.

Key words: Uzbek and Karakalpak folklore, genre, of parable, term, parable.

Қадимдан ёнма-ён яшаган туркий халқларнинг адабиёти ҳам ўзаро таъсир ва адабий алоқалар натижасида тараққий этган. Туркий халқлар миллий ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланиши асносида бошқа туркий халқлар билан ҳам ўзаро алоқа ва муносабатда бўлган ҳамда адабиётларининг ривожига бир-бирини бойитган. Туркий халқларнинг тарихий илдизлари бир, тили, дини, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари муштарак бўлиб, даврлар ўтиши билан айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган. Туркий оғзаки адабиёт намуналарини алоҳида ва киёсий-типологияк ўрганиш умумтуркий адабиёти масалаларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу яқинлик ва ўзига хосликни ўзбек ва қорақалпоқ нақллари ҳамда у билан яқин бўлган масал жанри мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Нақллар масал, эртақ, афсона ва латифалар орасида ҳамиша ёнма-ён ишлатилади. Шу сабабли ҳам луғатларда ва бошқа манбаларда нақл атамасига ҳар хил таърифлар берилади. Фольклоршунослик илмида асосан масал ва нақлни аралаштириш ҳолатлари кузатилади. **Фольклор намуналарининг узок яшашида, унинг ўрганилишида, ёзма адабиётга таъсир қилишида халқ оғзаки ижоди ва олдинги асрларда тузилган луғатларнинг аҳамияти катта.**

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида нақлга қуйидагича таъриф берилади: “Нақл арабча сўз бўлиб - узатиш, ўтказиш; таржима; кўчириб ёзиш; қайта ҳикоя қилиш деган маъноларни билдиради.

1)Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят.

Хулоса қилиб айтганда, кўпгина адиблар тарихий манбаларга таяниб, Амир Темур образини яратишди. Албатта, турли даврларда бу образга ёндашув ҳам ўзига хос кечди. Унга бўлган муносабатлар адабий-сиёсий талабларга, тузумларнинг эҳтиёжлари ва ижод аҳлининг имконларига қараб ўзгариб турди. Лекин, шундай бўлишдан қатъий назар, адабий қарашларда Амир Темур бутунжаҳон тарихида ўзига хос ўрин эгаллашини англаш сари сезиларли силжиш намоён бўлди. Зотан, у тарихий ва маънавий жиҳатдан теран ўрганишга арзигулик улуғвор шахсиятдир.

2)Умуман, бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя.

3) Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап.” [14:29]
Фольклоршунос олим К.Имомов эса нақл ҳақида шундай баён қилади: «Нақл Марказий Осиё халқлари орасида кўпроқ «Зарбулмасал» номи билан машҳур бўлган халқ орасида турли хил маънода қўлланган. Маълумки, «Зарбулмасал» атамаси арабча бўлиб, масал урмук маъносини англатади. Араб олими «Мухаммад Жабалруди зарбулмасални масал тамсилнинг синонимлари, деб уқтиради... ва бошқа бир ўринда рамзли ҳикоя маъносида қўллайди. «Ғиёсул луғат»да эса «Зарбулмасал мақол билан уриш, нутқда у ёки бу кўчма маънони келтириш» деб белгиланган. Қўринадик, зарбулмасал мажозий ҳикояни англатади. Ўзбекларда зарбулмасал ўрнида асосан **нақл** термини қўлланилади» [7:46]. Олимнинг фикрларидан қўринадик, айрим ҳолатларда нақл ўрнига “Зарбулмасал” атамаси ҳам қўлланган. Олим яна таъкидлайдики, “Туркий халқлар ўртасида оғзаки прозанинг мустақил жанри ҳисобланади. Бу термин нисбатан кенг маънони билдиради. Қадимги туркий ёдномалар, халқ китоблари, қўлёзмаларда миф, эртақ, афсона, ривоят, дoston, мақол, матал ва ҳатто топишмоқлар ҳам нақл номи билан аталган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунда Озарбайжонда **эртақ нақл** деб юритилса, туркманларда **мақол нақыл**, қирғизларда **ибратли ривоятлар нақыл**, уйғурларда **оғзаки ҳикоялар нақл** деб юритилади. Форс тилида эса **нақл оғзаки ҳикояларни** англатади. Нақл луғавий маъносига қўра, оғиздан-оғизга кўчиб юрган сўз ёки